



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозогистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозогистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

Толипов Файзулла Саидович
*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST


Фазилат Илхомовна Нурметова,

Анджон давлат университети

“Фуқаролик жамияти назарияси” кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗARO АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар)

For citation: Fazilat Ilkhomovna Nurmetova, DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN-SOUTH KOREA RELATIONS (2000-2020). Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.31-36

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон-Жанубий Корея давлатлари ўзаро алоқаларининг янги босқичга кўтарилиши, хусусан, давлат раҳбарларининг Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёноти, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Корея Республикаси Инсон ресурсларини бошқариш вазирлиги ўртасидаги Ҳамкорлик меморандуми, 2018-2020 йилларда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари бўйича ҳукуматлараро ҳадли келишув ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди билан Корея экспорт-импорт банки ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги келишув муносабатлари илмий адабиётлар ва интернет материаллари ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Жанубий Корея, иқтисодий ҳамкорлик, тараққиёт, ислохотлар, битим, кредит, келишув, қўшма корхона.

Фазилат Илхомовна Нурметова,

преподаватель кафедры теории гражданского общества

Анджонского государственного университета

РАЗВИТИЕ ОТНОШЕНИЙ УЗБЕКИСТАН-ЮЖНАЯ КОРЕЯ (2000-2020гг.)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется, что узбекско-южнокорейские отношения вышли на новый уровень, в частности, в Совместном заявлении глав государств о всестороннем углублении Стратегического партнерства, Меморандуме о сотрудничестве между Министерством занятости и труда и министерство людских ресурсов, 2018–2020 годы. Межправительственное соглашение о займах от Фонда экономического развития и сотрудничества и Фонда реконструкции и развития Узбекистана Экспортно-импортный банк Кореи, соглашение о финансовых отношениях сотрудничества были проанализированы с использованием научных публикаций и интернет-сервисов.

Ключевые слова: Узбекистан, Южная Корея, экономическое сотрудничество, развитие, реформы, соглашение, кредит, соглашение, совместное предприятие.

Fazilat Ilkhomovna Nurmetova,
Lecturer, Department of Theory of Civil Society,
Andijan State University

DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN-SOUTH KOREA RELATIONS (2000-2020)

ABSTRACT

The article states that the Uzbek-South Korean economic relations have reached a new level, in particular, the Joint Statement of the Heads of State on the comprehensive deepening of the Strategic Partnership, the Memorandum of Cooperation between the Ministry of Employment and Labor and the Ministry of Human Resources, 2018-2020. Intergovernmental Agreement on Loans from the Fund for Economic Development and Cooperation and the Fund for Reconstruction and Development of Uzbekistan Export-Import Bank of Korea, an agreement on financial cooperation relations have been analyzed using scientific publications and Internet services.

Index terms: Uzbekistan, South Korea, economic cooperation, development, reforms, agreement, credit, agreement, joint venture.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон макроиқтисодий таркибдорлаштириш учун иқтисодий таркибий ўзгаришлар амалга ошириш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга қодир корхоналар куриш ва бунинг учун зарур инвестициялар ажратиш йўлига истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, республика ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири жаҳон мамлакатлари билан халқаро алоқаларни йўлга қўйишдан иборатдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш йўлидан бориб, «биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз. Бу борада қуйидаги устувор жиҳатларга сизларнинг диққатингизни қаратмоқчиман. Ундаги иккинчи устувор вазифа сифатида Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга истиқболда алоҳида аҳамият берилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномаси [1] да атрафлича кўрсатиб ўтилди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистоннинг Жанубий Корея давлати ўрасидаги илк иқтисодий ҳамкорлик алоқаси 1992 йилда бошланган эди. Шу йил март ойида мамлакатлараро дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги ташқи сиёсатдаги ютуқлардан бири бўлди [2, Б.328]. Бугунги кунда Ўзбекистон бу давлат билан инвестиция, савдо-сотик, юқори технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларидаги кенг қамровли ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйди ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда. Биринчи Президент И.Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш мақсадида Жанубий Корея Республикасининг «DAEWOO» корпорацияси раиси Ким У Жунг билан музокаралар олиб борилиши иқтисодий таркибий қисми бўлган автомобилсозлик саноати ривожидан янги босқични бошлаб берди. Республикада фаолият бошлаган «O'zDAEWOOavto» заводига 2000 йил январда «ISO - 9001» сертификати берилди. Жанубий Кореянинг оламга машҳур «DAEWOO» корпорацияси билан ҳамкорликда Асака шаҳрида «O'zDAEWOOavto» Ўзбекистон-Корея қўшма автомобиль заводи куришга келишилгани оламшумул аҳамиятга эга бўлди [3, Б.520]. 2001 йил августда «O'zDAEWOOavto» заводига янги линия барпо

этилиб, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган «Matiz» русумли янги автомобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди [4, Б.445]. 2003 йилда яна бир линия барпо этилиб, «Lasetti» автомобили ишлаб чиқариш бошланди, 2004 йилда эса бу заводда 70070 дона автомобил ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, 2007 йил октябрь ойида «O'zDAEWOO» авто негизида «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда «GM O'zbekiston» қўшма корхонаси ташкил этилди. Натижада Асакада дунёда машҳур «Chevrolet» автомобиллари бўлмиш - «Captive», «Epica», «Takuma» русумли энгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади. Бу ишлаб чиқариш жараёни кейинги йилларда ҳам жадаллашиб борди. Хусусан, 2010 йилда «Chevrolet» автомобили - «Spark» русуми, 2012 йилнинг охиридан эса «Chevrolet» автомобилнинг - «Cobalt» русумли янги автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилди [6]. Шундай қилиб, «O'zDAEWOOavto» қўшма корхонасининг республикада мустақкам пойдевори яратилди. «O'zDAEWOOavto» заводи МДХ мамлакатларидаги энгил автомашина ишлаб чиқарувчилар орасида Халқаро сифат тизимидан фойдаланувчи биринчи корхона бўлди.

Айни пайтда икки мамлакатнинг ҳамкорлик қўлами асосан савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, энгил саноат, озик-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби кўплаб соҳаларни қамраб олган бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистонда жанубий корейлик инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 та корхона, ушбу мамлакатдаги 81 компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Масалан, Ўзбекистонга киритилган инвестициялар ҳажми эса 6 млрд. доллардан ошиб кетди. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланиб, юртимиз ташқи савдосининг 7,8 фоизи айнан Жанубий Кореяга тегишли бўлиб, 2014 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 млрд. доллардан ошди [5, Б.45].

Алоҳида таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳамкорлиги кенг қўлам касб этиб, расмий Сеулнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ҳажми 7 млрд. доллардан ортди. Республикада ушбу мамлакат капитали иштирокида 461 корхона фаолият юритгани ҳолда уларнинг 386 таси қўшма корхонадан иборат бўлган бўлса, 75 таси эса тўлалигича корейс сармояси эвазига ташкил қилинган корхоналардир. Мазкур корхоналар нефт-газ, нефт-кимё ва кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда тўқимачилик соҳаларида, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт ва логистика, туризм йўналишларида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам йилдан-йилга жадал ривожланиб бормоқда. 2016 йил Жанубий Корея билан ҳамкорликда Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилди. Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорлигининг ёрқин намунаси бўлган ушбу йирик лойиҳага 4 млрд. доллар миқдоридagi маблағ йўналтирилган.

Маълумки, Корея Республикаси халқаро миқёсда ривожланган эркин иқтисодий зоналарга эга мамлакатлардан бири бўлиб, у Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва уларни ривожлантиришга яқиндан қўмак берди ва бу жараён ҳозирда ҳам изчил давом этиб келмоқда. “Навой” эркин иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Хитой, Италия, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа мамлакатлар иштирокида 20 та корхона фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 2008 йилдан бери “Korean Air” компанияси “Навой” халқаро аэропорти орқали юк ташишларни амалга оширмоқда, аэропортда илғор технологиялар ҳамда самарали тизимли назоратни жорий этиб келмоқда.

2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди [5, Б.128]. Олий даражадаги музокараларда ўзаро ҳамкорликнинг кенг қўламли масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истикболларини муҳокама

килиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Миллий Ассамблея Спикери ва Корея Республикаси Бош вазири билан учрашиб, икки давлатнинг етакчи иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари иштирокидаги Ўзбекистон - Жанубий Корея бизнес форумида иштирок этди. Мазкур тарихий ташриф кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш учун мустақкам замин яратди. Президент ўзининг нутқида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланаётгани, мамлакатимизда бизнес юритиш учун замонвий шароит ва имкониятлар яратилганини қайд қилди. Ўзбекистон Корея Республикаси бизнес вакиллари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Ўзбекистонда Корея Республикаси бизнес маркази ташкил этиш таклифини илгари сурди. Жанубий корейлик молия ва ишбилармон доира вакиллари Ўзбекистонда фаол бизнес юритиш учун яратилган имкониятларни юқори баҳолаб, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади [6]. Ташриф доирасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортиқ битим, имзоланди.

Шунингдек, мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бери 14 марта давлат раҳбарлари даражасидаги учрашувлари бўлиб ўтди. Сўнгги йилларда ушбу мулоқотлар янада фаоллашиб, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқалари иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларида ўз аксини топди. Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Мулоқот давомида томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Бугунги кунда ҳукуматлар, вазирлик, идора, молия, банк институтлари ва бизнес тузилмалари ўртасида мустақкам муносабатлар тобора изчил равишда кенгайиб бормоқда. Хусусан, Корея Республикаси Осиё - Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикларидан бири ҳисобланади. Масалан, 2016 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. АҚШ долларида ортди. Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмасида Ўзбекистон улуши қарийб 50 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Корея Республикаси Инсон ресурсларини бошқариш вазирлиги ўртасида Ҳамкорлик меморандуми, икки мамлакат Адлия вазирликлари ўртасида Ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирликлари ўртасида Ўзбекистонда Миллий электрон савдо платформасини жорий қилиш бўйича ҳамкорлик битими, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Корея Стратегия ва молия вазирлиги ўртасида Билимлар алмашинув дастури бўйича Англашув меморандуми, 2018-2020-йилларда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари бўйича ҳукуматлараро ҳадли келишув ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди билан Корея Республикаси экспорт-импорт банки ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида келишув каби олтидан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 2019 йил 18 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Музокараларда Корея давлат раҳбари стратегик ҳамкорлик борасида қуйидаги жумлаларни таъкидлади: «Ўзбекистонни Жанубий Кореянинг савдо ва инвестициявий алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган «Янги шимолий сиёсат»ида муҳим ўрин тутувчи шерик деб биламиз. Сизнинг Сеулга ташрифингиз чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустақкамлашга эришган эдик. Бу сафар уни алоҳида стратегик даражага кўтариш ниятидамиз», - дея таъкидлади ҳукумат раҳбари Мун Чжэ Ин [7]. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган Ўзбекистон - Жанубий Корея бизнес-форумининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Форумда икки мамлакат иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, етакчи ишбилармонлари, хусусан, Корея Республикасининг 150 та компания ва ташкилотидан 350 дан ортиқ вакил қатнашди. Шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётидаги Жанубий Корея инвестицияларининг умумий ҳажми 7 млрд. доллардан ошди. Корея миллий нефть корпорацияси, Эксимбанки, «Kogas», «Lotte group», «Samsung», «Hyundai», «Shindong resources» ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари юртимизда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Юртимизда Жанубий Кореянинг 75 та компанияси рўйхатдан ўтди, 2018 йилда Инчеон шаҳрида «Ўзбекистон - Корея савдо уйи» очилди. У Ўзбекистоннинг дунё стандартларига мос маҳсулотларини Жанубий Корея бозорига етказиб беришда муҳим рол ўйнади. Шунингдек, Жанубий Корея Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни олқишлади. Бу мамлакатимизга инвестициялар ва юқори технологиялар келишини кўпайтириб, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, доимий иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Ўтказилган бизнес-форумда икки мамлакат компания ва ташкилотлари ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди. Умумий қиймати 12 млрд. доллардан зиёд бўлган битим ва келишувларга эришилгани қайд этилди. Улар энергетика, нефт-газ, кимё, тоғ-кон, машинасозлик ва электр техникаси, транспорт ва логистика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, инфратузилмалар, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли тиббиёт каби устувор йўналишларни қамраб олган. «Ангрен» эркин иқтисодий зонасини «Инчхон» эркин иқтисодий зонаси бошқарувига бериш, «Бўстонлик-фарм» худудида энг зарур дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича келишувлар алоҳида эътиборга сазовордир.

2019 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори имзоланди [8]. Ушбу қарорда Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг 2019 йил 18 - 21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикасига Давлат ташрифи Ўзбекистон - Жанубий Корея ҳамкорлиги тарихидаги ғоят муҳим воқеалардан бири бўлди ва икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларини «алоҳида стратегик шериклик» даражасига олиб чиққанлиги, давлат раҳбарлари иштирокида дўстона ва амалий муҳитда ўтказилган самарали музокаралар ҳамда тадбирлар олий даражадаги фаол сиёсий мулоқотни янада давом эттириш муҳимлигини тасдиқлади, бу эса иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч ва очиқликни сақлаб қолишнинг белгиловчи омили ҳисобланиши таъкидланди.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон-Жанубий Корея давлатларлари ўртасидаги қарийб 20 йилдан ортиқроқ иқтисодий алоқалари натижасида кўплаб корхоналар барпо этилди ва улар мамлакатлар иқтисодиётини жадаллаштиришга хизмат қилмоқда ва улар истиқболда ҳам тараққий этади. Икки мамлакат доимий равишда инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини аста-секин ривожлантириб боради.

Иқтибослар / Сноски / References

1. <https://www.gazeta.uz>. 2020/01/24
2. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. –Тошкент: Шарк, 2001. [Juraev N., Fayzullaev T. History of Uzbekistan. The period of national independence. -Tashkent: Shark, 2000]
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Учинчи китоб. – Тошкент: Шарк, 2000 [New history of Uzbekistan. History of independent Uzbekistan. The third book.-Tashkent: Shark, 2000].

4. Бобобеков Ҳ., Каримов Ш ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. – Тошкент: Фан, 2007. [Bobobekov H., Karimov Sh. and others. History of Uzbekistan. Brief reference. - Tashkent: Fan].

5. Jo'rayev N., Zamonov A. O'zbekiston tarixi (Mustaqillik davri). - Toshkent: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018. [Juraev N., Zamonov A (2018) History of Uzbekistan (Independence period). - Tashkent: Publishing and Printing House named after G. Gulom, 2018]

6. <http://uza.uz/uz/politics/o-zbekiston-janubiy-koreya-strategik-sheriklik>.

7. <http://www.uzembassy.kz/uz/article/ozbekiston-va-janubiy-koreya>

8. <https://lex.uz/docs/-4381081>

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000